



ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН ОММАВИЙ ТАДБИРЛАРНИ ЎТКАЗИШДА ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ЗАРУРАТИ

Худайбердиев Абдурашид Абдирасулович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси маъмурий ҳуқуқ
кафедраси доценти ю.ф.б.ф.д. (PhD), доцент

Исроилов Обиджон Эркинович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси магистратура
“Ташкилий-тактик бошқарув” мутахассислиги тингловчиси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7714922>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 01-mart 2023 yil

Ma'qullandi: 05-mart 2023 yil

Nashr qilindi: 10-mart 2023 yil

KEY WORDS

Бугунги кунда юртимизда
барча давлат органларида
маъмурий ислохотлар
амалга оширилмоқда.

ABSTRACT

Мақолада оммавий тадбирларни ўтказишда
жамоат тартибини таъминлаш бўйича бугунги
куннинг энг долзарб масалаларига алоҳида
тўхталиб таҳлил этилган.

Мақолада оммавий тадбирларни ўтказишда жамоат тартибини таъминлаш бўйича бугунги куннинг энг долзарб масалаларига алоҳида тўхталиб таҳлил этилган.

Бугунги кунда юртимизда барча давлат органларида маъмурий ислохотлар амалга оширилмоқда. Давлат органларида маъмурий ислохотларни амалга оширишдан асосий мақсад иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани модернизациялаш, ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини юксалтириш бўйича давлат сиёсатини муваффақиятли амалга оширишга тўсқинлик қилувчи қатор тизимли муаммо ва камчиликларни бартараф этишдир¹.

Шу ўринда, давлатимизнинг сиёсий-ижтимоий ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар, айниқса мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлиги билан боғлиқ вазифалар² ниҳоятда жиддий ёндашувни талаб этиб, бунда ички ишлар органларининг

¹ Рустамов С., Қушбоқов Ш. Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясининг жазони ижро этиш департаменти фаолиятидаги ЎРНИ //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 28-31.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 майдаги “Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2940-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 июндаги “Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3786-сон қарори; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 декабрдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4075-сон қарори.

ҳаракатларини тизимли, аниқ ва қонуний бўлиши ва улар мунтазам такомиллаштирилиб борилиши ўз ечимини кутаётган масалалардан биридир³.

Оммавий тадбирларни ўтказишда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашни илмий жиҳатдан тадқиқ этишнинг ижтимоий зарурияти қуйидагилар билан изоҳланади:

биринчидан, Марказий Осиёда диний экстремизм ва терроризм хавфи сақланиб қолган ҳолда республикамизда ўтказилаётган халқаро, республика ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган оммавий ижтимоий ва спорт тадбирларини кўпайиб бораётганлиги;

иккинчидан, оммавий тадбир тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қабул қилинмаганлиги, мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда кундалик ҳаётда мавжуд бўлган муаммоли ҳолатларнинг ечими топилмаганлиги;

учинчидан, оммавий тадбирлар ўтказиладиган жойлардаги хавфсизлик талаблари ва тадбир ташкилотчилари томонидан тайёргарлик кўриш жараёнидаги муаммолар мавжудлиги;

тўртинчидан, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда оммавий тадбирларни ўтказишга тайёргарлик кўришда ички ишлар органларининг ҳаракатларини аниқ тартибга солинмаганлиги ва белгилаб берилмаганлиги;

бешинчидан, оммавий тадбирларни ўтказишга тайёргарлик кўриш ва ўтказишда маҳаллий ҳокимият ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг маъмурий-ҳуқуқий томондан вазифалари аниқ белгилаб берилмаганлиги;

олтинчидан, маъмурий қонунчиликда оммавий тадбирларни ўтказишга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш жараёнида содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни белгиловчи нормалардаги коллизиялар мавжудлиги.

Ҳозирги кунда республикамиздаги амалдаги Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 29 июлдаги 205-сонли “Оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори⁴ билан тасдиқланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатга асосан “оммавий тадбир” тушунчаси қуйидагича таърифланади: – “Кўнгилочар, театр-томоша, концерт, спорт, реклама дастурлари ва бошқа дам олиш дастурларини, шунингдек камида 100 киши иштирокида умумхалқ, диний, профессионал байрамларни ўтказиш мақсадида юридик ва жисмоний шахслар томонидан очиқ ва ёпиқ иншоатларда, майдонларда, биноларда ва бошқа жойларда ташкил этиладиган кишиларни тўплаш оммавий тадбир деб эътироф этилади”.

Жамоат тартибини сақлашга доир фаолиятнинг ташқи соҳасида турли вазифалар бажарилади. Бу вазифалар, биринчидан, кундалик жараёнларини тартибга солиш, айрим шахслар ёки гуруҳлар ҳуқуқий нормаларга амал қилишларини таъминлаш, шунингдек, улар ҳаракатлари ва ишлари ўзаро ва ташқи шароитга мос бўлишини таъминлашдан иборат. Иккинчидан, бу соҳада вужудга келадиган қонуний ишларни

³ Янгигаев А., Махмудов И. Ички ишлар органларининг ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишдаги роли // Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 119-122.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 29 июлдаги «Оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 205-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2014. – № 32. – 398-м.

ҳамда одамларнинг мулоқотини ноқулай ва табиий омиллардан муҳофаза қилиш таъминланади ва Ш.Х. Қушбоқов таъкидлаганидек, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш учун муҳим пойдевор⁵ ҳисобланади.

Жамоат тартибини муҳофаза қилиш жараёнида одамларнинг хулқ-атвориға таъсир ўтказишнинг давлат идоралари ва жамоат ташкилотларига хос бўлган турли шаклларида фойдаланилади. Улар маъмурий-ҳуқуқий ёки ташкилий тусда бўлади. Одамларнинг хулқ-атвориға таъсир қилишнинг муъмурий-ҳуқуқий шакллари ваколатли ва мансабдор шахслар томонидан норматив ҳужжатларни қабул қилиш йўли билан амалга оширади.

А.Н.Позднышев томонидан амалга оширилган жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминланишининг назарий асослари⁶нинг таҳлили натижалари бўйича ишлаб чиқилган хулосаларга таянган ҳолда сиёсий-ижтимоий, маиший, диний ва бошқа масалалар юзасидан ўтказиладиган ҳар қандай оммавий тадбир, йиғилиш, митинг ва намойишлар ўтказиш даврида жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш қонун ва бошқа белгиланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар⁷ асосида бўлиши шарт деган хулосага келиш мумкин⁸.

Зеро улар республикамізда ўтказиладиган оммавий тадбирлар даврида фуқаролар хавфсизлиги ва жамоат тартибига катта хавф туғилиши табиийдир. Охириги йиллардаги таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, террористик ва экстремистик ташкилотлар ўзларини жиноий ҳаракатларини амалга ошириш, фуқароларни саросимага солиш ва катта талофатлар келтириб чиқариш мақсадида асосий объект сифатида оммавий тадбирларни танлаётганлиги кузатишмоқда.

Жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигига хавф оммавий тадбирларни ўтказишнинг белгиланган тартибини бузиш, уларни ўтказиш жойини тайёрланмаганлиги, катта гуруҳдаги одамларнинг ҳаракатини тартибга солиш бўйича чораларни ўз вақтида кўрилмаганлиги сабабли содир бўлади. Жумладан, спорт иншоотларининг талаб даражасида жиҳозланмаганлиги оғир оқибатлар келтириб чиқаради.

Республикамізда айрим оммавий тадбирлар ўтказиш даврида ташкилотчиларнинг йўл қўйган камчиликлари ёки юзага келган ижтимоий – иқтисодий шароит таъсирида жамоат тартибини бузилиш жиноятлари содир этилган. 2003 йил Тошкент шаҳридаги “Пахтакор” стадионида ўтказилган футбол мусобақасидан кейин Навоий кўчасида

⁵ Қушбоқов Ш., Таджиев Э. Жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган айрим тоифадаги маҳкумлар устидан маъмурий назорат ўрнатиш тартиби //Zamonaviy dunyoda innovatsion tadqiqotlar: Nazariya va amaliyot. – 2023. – Т. 2. – №. 4. – С. 35-44.

⁶ Позднышев А.Н. Институт государственной службы в сфере обеспечения общественной безопасности (теоретико-методологические проблемы): Автореф.дис. ... докт. юрид. наук. – М., 2003. – 42 с.

⁷ Янгибаев А.К. Участие политических партий в формировании органов государственной власти (опыт узбекистана) //Право и жизнь. – 2016. – №. 10-12. – С. 118-130.

⁸ Янгибаев А., Аллаяров Н. Ўзбекистонда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг маъмурий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш истиқболлари //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 114-118.

содир этилган безорилик жиноятлари⁹ ёки 2004 йили Қўқон буюм бозорида оммавий тадбир даврида жамоат тадбирини бузиш жиноятлари¹⁰ мисолида кўриш мумкин.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси нуфузли халқаро ташкилотлардан – БМТ, ШХТ, ЁХХТ, молиявий ташкилотлардан – Жахон банки, Европада тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё ривожланиш банки, спорт ташкилотларидан халқаро олимпия қўмитаси, ФИФА, ОФФ ва бошқа соҳалардаги халқаро ташкилотлар билан узвий ҳамкорликка киришмоқда, ушбу алоқаларнинг амалий ифодаси улар томонидан республикада турли хил халқаро аҳамиятга эга бўлган оммавий тадбирлар ўтказилишида ўз аксини топмоқда. Айниқса, республикада халқаро аҳамиятга молик бўлган оммавий тадбирлар даврида содир этиши мумкин бўлган жиноятларни олдини олиш ҳамда хорижий ва мамлакатимиз фуқароларини хавфсизлигини таъминлаш давлатимизнинг барқарор ривожланиши¹¹ учун пухта замин яратиши табиийдир¹².

Зеро, давлатни ақл-идрок билан бошқариш, – деб, таъкидлаган Хасрда яшаб ижод қилган буюк аллома Абу Наср Фаробий – халқ бошига тушган хавф-хатарни камайтириш ва бартараф этишдан иборатдир¹³.

Ҳозирги кунда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар зарур замонавий қурол-аслаҳа ва техника билан таъминланган бўлсада, оммавий тадбирларни ташкиллаштириш ва ўтказиш учун етарли равишда тайёр дея олиш қийин. Жумладан, айрим оммавий тадбирларни ўтказишга тайёргарлик кўриш ва ўтказишда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашдаги ички ишлар органларининг бевосита ҳаракатларида, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи¹⁴ идоралар¹⁵ ҳамда ҳокимият ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилишда тизимлилик етишмайди. Шунингдек, ходимларнинг мазкур тадбирлардаги ҳаракатлари ҳуқуқий жиҳатдан тўла таъминланмаган.

Агар биз ҳозирги кунда фақат Тошкент шаҳрининг ўзида юзга яқин тўй ва маросимлар ўтказиладиган жойлар мавжудлиги ва бундай тадбирларда 300 нафар ва ундан ортиқ фуқаролар иштирок этаётганлиги ҳамда ушбу жойларда ёнғин хавфсизлиги, йўл ҳаракати хавфсизлиги, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш чоралари деярли амалга оширилмаётганлигини кўриш мумкин. Бу эса ҳозирги кунда амалдаги оммавий

⁹ Тошкент шаҳар ИИББнинг 2003 йилга доир архиви маълумотлари.

¹⁰ Фарғона вилояти ИИБнинг 2004 йилга доир архив маълумотлари.

¹¹ Маҳмудходжаева У. М. Болаларнинг оилавий-ҳуқуқий мажбуриятларини тартибга солишни такомиллаштириш масалалари //Siyosatshunoslik, huquq va xalqaro munosabatlar jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 7. – С. 199-207.

¹² Qushboqov S. Jazoni ijro etish muassasalarining yuridik shaxs sifatidagi tushunchasini yoritishda nazariy tahlil //O'rta Osiyo ta'lim va innovatsiyalar jurnali. – 2023. – Т. 2. – №. 2 Part 2. – С. 49-52.

¹³ Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. – Т., 2007. – Б. 29.

¹⁴ Қиличев Х. Маҳалла фаолиятини ташкил этишда фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларнинг ўрни ва аҳамияти //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 265-267.

¹⁵ Qushboqov, Shohrux, and Muxtor Yetmishboyev. "Jazoni ijro etish muassasalari ishtirokida tuziladigan fuqarolik-huquqiy shartnomalarning mohiyati va ahamiyati." *Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences* 2.9 (2022): 76-80.

тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисидаги қарор билан юқоридаги муаммоли ҳолатлар ўзининг ҳуқуқий ечимини топмаганлигини намоён этади¹⁶.

Юқорида қайд этилган муаммолар таҳлили, ҳозирги кунга келиб, “Ўзбекистон Республикасининг оммавий тадбирлар ўтказиш тўғрисидаги қонуни” лойиҳаси¹⁷ни ишлаб чиқиш ва уни қабул қилиш ва бошқа оммавий тадбирларни ўтказишда жамоат хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ бир қатор қонунларга ўзгартиришлар киритилиши лозим эканлигини тасдиқлайди.

Оммавий тадбирларни ўтказишда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашга таъсир этувчи омиллар қуйидагилардан иборат:

– оммавий тадбирлар одамлар (омма)нинг (фаол ёки томошабин сифатидаги) иштирокини тақозо этади;

– аввалдан белгиланган мақсадларга эга уюшган оммавий ҳаракатлар бўлиб, муайян субъектлар ташаббуси билан амалга оширилади;

– иштирокчиларининг сони ноаниқ бўлади;

– жамоат жойларда ўтказилади;

– белгиланган тартибда рухсат олинishi зарур.¹⁸

Россиялик ҳуқуқшунос олим Д.А.Коротченковни фикрича, оммавий тадбирларни ўтказишда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда ўтказилаётган тадбирни қонуний ёки ноқонуний эканлиги ҳам катта аҳамиятга эгадир¹⁹.

Уюшган оммавий ҳаракатларни хусусиятига кўра қонуний ва ноқонуний турларга ажратиш мақсадга мувофиқ бўлади²⁰. Ўз навбатида ноқонуний оммавий тадбирни ҳам икки турга ажратиш таклиф этилади:

1) жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигига жиддий таҳдид қилмайдиган ноқонуний оммавий тадбирлар, бундай тадбирларга “транспорт, алоқа ташкилотларини ишини бузмайдиган, куч ишлатишга асосланмаган ноқонуний йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намоёишлар” киритилади;

2) жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигига жиддий таҳдид қиладиган оммавий уюшган ҳаракатлар²¹ (оммавий тартибсизликлар).

Ноқонуний оммавий тадбирни бундай гуруҳларга ажратишдан мақсад жамоат тартиби ва хавфсизликни таъминловчи субъектларни (ички ишлар органлари ва х.з.) махсус

¹⁶ Маҳмудходжаева У. Боладан алоҳида яшаётган ота (она) нинг ота-оналик ҳуқуқларини амалга ошириш муаммолари //Юрист ахборотномаси. – 2022. – Т. 2. – №. 3. – С. 48-53.

¹⁷ Мазкур қонун лойиҳаси диссертациянинг 1-иловасида келтирилган.

¹⁸ Янгибаев А. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни электрон шаклда юритиш тушунчаси ва ҳуқуқий асослари //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 123-127.

¹⁹ Коротченков Д.А. Проблемы правового регулирования организации и проведения публичных мероприятий. Закон и право – 2006 – № 7.

²⁰ Норбўтаев Э., Таджиев Э. Муқаддам судланган шахсларни қайта тарбиялашда ички ишлар органларининг роли //Zamonaviy dunyoda ilm-fan va texnologiya. – 2023. – Т. 2. – №. 4. – С. 16-19.

²¹ Киличев Х. Особенности гражданско-правового статуса органов местного самоуправления в зарубежных странах (сравнительно-правовой анализ) //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 4/S. – С. 876-884.

воситалар қўллаш тўғрисидаги ҳуқуқий нормаларини белгилашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Оммавий тартибсизликларга айланиб кетадиган ҳолатлар кўпинча бозорларда, ҳар қандай кўринишдаги ўйингоҳларда²², истироҳат боғларида²³, одамлар тўпланадиган майдонларда, серкатнов кўчаларда, савдо расталарида, шунингдек, оммавий тадбирларни ўтказиш пайтида содир бўлади²⁴.

Бинобарин кўп одам тўпланадиган жойларда ва оммавий тадбирларни ўтказиш пайтида жамоат тартибини муҳофаза этишни ташкил қилишга, тартиббузарликнинг олдини олиш ва чек қўйишга доир ҳаракатлари тактикасига алоҳида эътибор бериш зарур²⁵.

Оммавий тадбирлар ўтказиш вақтида жамоат жойларида ножўя гаплар билан фуқароларни ҳақорат қилиш, фуқароларга шилқимлик қилиш ҳамда жамоат тартибини, фуқароларнинг осойишталигини бузадиган шу хилдаги бошқа ҳатти-ҳаракатлари, агар бу ҳатти-ҳаракатлар ўз характери жиҳатидан жиноий жазо чораларини қўллашни тақазо²⁶ этмайдиган бўлса, майда безорилик деб аталади. Майда безорилик маъмурий тартибда жарима солиш агар вазиятга кўра, тартиб қоида бузувчининг шахсини ҳисобга олиб, бу чораларни қўллаш етарли эмас деб топилса, маъмурий қамоқ жазоси белгиланади. Майда безорилик тўғрисидаги ички ишлар органларидан келган материалларни кўриб чиқиб, судья кўзда тутилган чораларни қўллаши мумкин.

Шаҳар (қишлоқ жойлар)да оммавий тадбирлар ўтказиш вақтида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлашда ўтакетган беҳаёлик ёки сурбетлик билан ажралиб турадиган ҳаракатлар, ёхуд жамоат тартибини сақлаш вазифасини бажарувчи ҳокимият ёки жамоатчилик вакилига қаршилик кўрсатиш ҳаракатлар ашаддий безорилик бўлади, деб кўрсатилган. Кўрсатиб ўтилган белгилар биринчи навбатда безорилик ҳаракатларининг ўзига бериладиган тавсифга тааллуқлидир. Улар уч гуруҳга бўлинади:

²² Норбутаев Э. Х. Административно-процессуальные основы лицензирования оборота гражданского и служебного оружия в республике узбекистан //science and world. – 2013. – С. 29.

²³ Киличев Х. М. Гражданско-правовая ответственность сходов граждан и проблемы их обеспечения //Развитие юридической науки и проблема преодоления пробелов в праве. – 2019. – С. 127-128.

²⁴ Исмаилов И., Мухамадалиев Д.С., Ҳасанов Ш.Ҳ. ва бошқ. Ички ишлар идораларининг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича фаолиятини бошқариш: Маърузалар курси – Т., 2013. – 322 б.; Дьяков, И.А. Тактика действий органов внутренних дел по пресечению массовых беспорядков в Российской Федерации // В сборнике: Совершенствование огневой и тактико-специальной подготовки сотрудников правоохранительных органов сборник материалов Всероссийского круглого стола. – 2016. – 73 с.; Неклюдов, В. Совершенствование деятельности ОВД и ВВ по предупреждению и пресечению массовых беспорядков. – М., 2007. – 328 с.

²⁵ Янгибаев А., Алимов М. Ўл ҳаракати хавфсизлигини ҳуқуқий таъминлашнинг янги босқичлари //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 12. – С. 293-297

²⁶ Маҳмудходжаева У. Ички ишлар органлари томонидан ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш соҳасида ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш масалалари //ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ. – 2021. – Т. 2. – №. 2. – С. 161-167.

Биринчи гуруҳ – жамият осойишталигини, фуқароларнинг меҳнати, маиший турмуши ва дам олишини қўпол равишда ҳақоратлаш билан бузувчи ҳаракатлардан ташкил топади. Ҳаётда, яъни амалда бу жамоат жойларида, кинотеатр ёки театрларда тадбирлар ўтказилганда ўзининг ҳатти-ҳаракатлари билан тадбирларни бузади ёки бузишга бошқаларни ҳам тарғибот қилади.

Иккинчи гуруҳ – айрим ёки бир гуруҳ шахсларни таҳқирлашни билдирувчи безорилик ҳаракатларидан иборат. Бундай безорилик одатда жабрланувчиларни калтаклаш, уларга тан жароҳти етказиш йўли билан қилинади;

Учинчи гуруҳга – жамоат жойларини, меҳнат маиший турмуш, дам олиш жойларини бузувчи безорилик ҳаракатлари тааллуқлидир. Бундай ҳатти – ҳаракатлар, ашадий безориликларни келтириб чиқариши мумкинлигини биз ижтимоий турмуш тарзимиздан биламиз²⁷.

Ички ишлар органларининг кўп йиллик амалий тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда жамоат тартиби ва хавфсизлиги таъминладиган оммавий тадбирларнинг асосий белгиларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- кўп сонли кишилар оммасини бўлиши (минг, 10 минг ва 100 минга) бир неча минг иш ташлашлар, намойишлар, йирик спорт мусобақаларида;
- улар ҳаракатининг муайян тарзда ташкил этилганлиги;
- бундай оммавий тадбирларни жамоат жойларида амалга оширилишини;
- тадбир иштирокчилари мақсадларининг ягоналиги²⁸.

Бу кўрсатиб ўтилган белгилар ўзаро боғлиқ бўлиб, оммавий тадбирлар жараёнида уларнинг жамланмаси ва мустақкам уйғунлиги юзага келади²⁹.

Санаб ўтилган характерли белгиларни умумлаштирган ҳолда оммавий тадбирларга эътибор бериладиган бўлса, оммавий тадбирлар ижтимоий ҳаётнинг у ёки бу масканлари бўйича жамоатчилик фикрини ифодалаш мақсадида кўп сонли фуқаролар томонидан жамоат жойларида амалга ошириладиган фаол ҳаракатларнинг ташкилий шакли³⁰ бўлиб ҳисобланади³¹.

Шунингдек, бизнинг фикримизча “оммавий тадбир” тушунчаси қуйидагича таърифланиши лозим:

²⁷ Охунов З., Кушбоқов Ш. Талабалар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларни олдини олишга оид айрим мулоҳазалар //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 11. – С. 34-39.

²⁸ Кушбоқов Ш. Жазони ижро этиш муассасалари фаолиятида тадбиркорликнинг ўрни //Международная конференция академических наук. – 2022. – Т. 1. – №. 27. – С. 16-20.

²⁹ Норбутаев Э.Х. Ички ишлар органларининг лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш фаолияти бўйича ваколатларини таҳлили //BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI. – 2022. – С. 56-60.

³⁰ Янгибаев А. Давлатнинг вакиллик органлари фаолиятида партиявий тузилмаларнинг ўрни ва аҳамияти //вестник каракалпакского государственного университета имени бердаха. – 2016. – Т. 30. – №. 1. – С. 89-92

³¹ Киличев Х.М. Своеобразие принципов организации органов самоуправления граждан в качестве юридического лица (На примере опыта Узбекистана) //Право и жизнь. – 2019. – №. 1. – С. 31-35.

Оммавий тадбир – йиғилишлар, митинглар, намойишлар, кўча юришлари шаклида ёки кўнгил очар, театр томоша, концерт, спорт, реклама дастурлари ҳамда умумхалқ, диний, профессионал байрамларни ўтказиш мақсадида майдонларда, кўчаларда, биноларда, ёпиқ иншоотларда ва бошқа жойларда умумий мақсад асосида одамларнинг тўпланишидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Рустамов С., Қушбоқов Ш. Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясининг жазони ижро этиш департаменти фаолиятидаги ЎРНИ //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 28-31.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 майдаги “Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2940-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 июндаги “Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3786-сон қарори; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 декабрдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4075-сон қарори.
3. Янгибаев А., Махмудов И. Ички ишлар органларининг ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишдаги роли //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 119-122.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 29 июлдаги «Оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 205-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2014. – № 32. – 398-м.
5. Қушбоқов Ш., Таджиев Э. Жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган айрим тоифадаги маҳкумлар устидан маъмурий назорат ўрнатиш тартиби //Zamonaviy dunyoda innovatsion tadqiqotlar: Nazariya va amaliyot. – 2023. – Т. 2. – №. 4. – С. 35-44.
6. Позднышев А.Н. Институт государственной службы в сфере обеспечения общественной безопасности (теоретико-методологические проблемы): Автореф.дис. ... докт. юрид. наук. – М., 2003. – 42 с.
7. Янгибаев А.К. Участие политических партий в формировании органов государственной власти (опыт узбекистана) //Право и жизнь. – 2016. – №. 10-12. – С. 118-130.
8. Янгибаев А., Аллаяров Н. Ўзбекистонда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг маъмурий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш истиқболлари //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 114-118.
9. Тошкент шаҳар ИИББнинг 2003 йилга доир архиви маълумотлари.
10. Фарғона вилояти ИИБнинг 2004 йилга доир архив маълумотлари.
11. Маҳмудходжаева У. М. Болаларнинг оилавий-ҳуқуқий мажбуриятларини тартибга солишни такомиллаштириш масалалари //Siyosatshunoslik, huquq va xalqaro munosabatlar jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 7. – С. 199-207.

12. Qushboqov S. Jazoni ijro etish muassasalarining yuridik shaxs sifatidagi tushunchasini yoritishda nazariy tahlil //O'rta Osiyo ta'lim va innovatsiyalar jurnali. – 2023. – T. 2. – №. 2 Part 2. – С. 49-52.
13. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. – Т., 2007. – Б. 29.
14. Қиличев Х. Маҳалла фаолиятини ташкил этишда фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларнинг ўрни ва аҳамияти //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 265-267.
15. Qushboqov, Shohrux, and Muxtor Yetmishboyev. "Jazoni ijro etish muassasalari ishtirokida tuziladigan fuqarolik-huquqiy shartnomalarning mohiyati va ahamiyati." Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences 2.9 (2022): 76-80.
16. Маҳмудходжаева У. Боладан алоҳида яшаётган ота (она) нинг ота-оналик ҳуқуқларини амалга ошириш муаммолари //Юрист ахборотномаси. – 2022. – Т. 2. – №. 3. – С. 48-53.
17. Мазкур қонун лойиҳаси диссертациянинг 1-иловасида келтирилган.
18. Янгибаев А. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни электрон шаклда юритиш тушунчаси ва ҳуқуқий асослари //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 123-127.
19. Коротченков Д.А. Проблемы правового регулирования организации и проведения публичных мероприятий. Закон и право – 2006 – № 7.
20. Норбўтаев Э., Таджиев Э. Муқаддам судланган шахсларни қайта тарбиялашда ички ишлар органларининг роли //Zamonaviy dunyoda ilm-fan va texnologiya. – 2023. – Т. 2. – №. 4. – С. 16-19.
21. Киличев Х. Особенности гражданско-правового статуса органов местного самоуправления в зарубежных странах (сравнительно-правовой анализ) //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 4/S. – С. 876-884.
22. Норбутаев Э. Х. Административно-процессуальные основы лицензирования оборота гражданского и служебного оружия в республике узбекистан //science and world. – 2013. – С. 29.
23. Киличев Х. М. Гражданско-правовая ответственность сходов граждан и проблемы их обеспечения //Развитие юридической науки и проблема преодоления пробелов в праве. – 2019. – С. 127-128.
24. Исмаилов И., Мухамадалиев Д.С., Ҳасанов Ш.Ҳ. ва бошқ. Ички ишлар идораларининг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича фаолиятини бошқариш: Маърузалар курси – Т., 2013. – 322 б.; Дьяков, И.А. Тактика действий органов внутренних дел по пресечению массовых беспорядков в Российской Федерации // В сборнике: Совершенствование огневой и тактико-специальной подготовки сотрудников правоохранительных органов сборник материалов Всероссийского круглого стола. – 2016. – 73 с.; Неклюдов, В. Совершенствование деятельности ОВД и ВВ по предупреждению и пресечению массовых беспорядков. – М., 2007. – 328 с.
26. Янгибаев А., Алимов М. Ёўл ҳаракати хавфсизлигини ҳуқуқий таъминлашнинг янги босқичлари //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 12. – С. 293-297
27. Маҳмудходжаева У. Ички ишлар органлари томонидан ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш

соҳасида ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш масалалари //ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ. – 2021. – Т. 2. – №. 2. – С. 161-167.

28. Охунов З., Кушбоқов Ш. Талабалар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларни олдини олишга оид айрим мулоҳазалар //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 11. – С. 34-39.

29. Кушбоқов Ш. Жазони ижро этиш муассасалари фаолиятида тадбиркорликнинг ўрни //Международная конференция академических наук. – 2022. – Т. 1. – №. 27. – С. 16-20.

30. Норбутаев Э.Х. Ички ишлар органларининг лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш фаолияти бўйича ваколатларини таҳлили //BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI. – 2022. – С. 56-60.

31. Янгибаев А. Давлатнинг вакиллик органлари фаолиятида партиявий тузилмаларнинг ўрни ва аҳамияти //вестник каракалпакского государственного университета имени бердаха. – 2016. – Т. 30. – №. 1. – С. 89-92

32. Киличев Х.М. Своеобразие принципов организации органов самоуправления граждан в качестве юридического лица (На примере опыта Узбекистана) //Право и жизнь. – 2019. – №. 1. – С. 31-35.



INNOVATIVE
ACADEMY